

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОИРОВА НАРГИЗА ИСАКОВНА

**БАДИИЙ АДАБИЁТДА КЎЗГУ ВА СУРАТ РАМЗЛАРИНИНГ
ҒОЯВИЙ-ЭСТЕТИК ВАЗИФАЛАРИ
(Омон Мухтор ва Оскар Уайльд асарлари асосида)**

**10. 00. 06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

УДК: 82. 01:821. 111+821. 512. 133(09)(043. 3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Тоирова Наргиза Исаковна

Бадий адабиётда кўзгу ва сурат рамзларининг ғоявий-эстетик
вазифалари (Омон Мухтор ва Оскар Уайльд асарлари асосида) 3

Toirova Nargiza Isakovna

Ideological-aesthetic functions of the symbols Mirror and Portrait in
literature (based on the works of Omon Mukhtor and Oscar Wilde) 23

Тоирова Наргиза Исаковна

Идейно-эстетические функции символа зеркала и портрета в
художественной литературе (на основе произведений Омона Мухтара
и Оскара Уайльда) 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОИРОВА НАРГИЗА ИСАКОВНА

**БАДИИЙ АДАБИЁТДА КЎЗГУ ВА СУРАТ РАМЗЛАРИНИНГ
ҒОЯВИЙ-ЭСТЕТИК ВАЗИФАЛАРИ
(Омон Мухтор ва Оскар Уайльд асарлари асосида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil.212 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Касимов Абдугапир Абдиқаримович**
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Лиходзиевский Анатолий Степанович**
филология фанлари доктори, профессор

Касимова Замира Абдуллаевна
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (+99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

Р.А. Алимухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф. д.

Г.Х. Боқиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, филол. ф. д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида сўз санъатининг инсон маънавий ҳаётида тутган ҳиссий-эстетик таъсир кучидан келиб чиқиб, бадиий асар поэтикасини белгиловчи омилларни ўрганиш муҳим масалалардан бирига айланди. Шу боис, сўз санъатидаги бадиийлик ҳодисасининг табиати, руҳий-ҳаётий асосларини белгилаш, уларни қиёсий ўрганиш масаласи адабиётшунослик, хусусан, адабиёт назарияси ҳамда қиёсий адабиётшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида кўрилмоқда. Бу жиҳатдан ҳозирги замон фанининг объектив эҳтиёжига айланган адабиётшуносликнинг компаративистика соҳаси муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида адабиётларни қиёсий ўрганиш орқали ёзувчининг ижодий индивидуаллиги ва унинг миллий, жаҳон адабиёти ривожига ўрнини белгилаш муаммосига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, турли адабиётлардаги ҳеч қандай генетик алоқа ва тарихий муштаракликка эга бўлмаган бадиий ҳодисаларни қиёсий-типологик планда ўрганиш муҳим муаммо сифатида кўйилди. Бинобарин, санъатнинг, хусусан, адабиётнинг асоси бўлган бадиийлик ҳодисасини чуқур таҳлил этиш, ёзувчининг рамзий деталь ва образни қўллаш борасидаги маҳоратини аниқлашда ҳам қиёслаш усули муҳим омилдир.

Бугунги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳадаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида ўзбек адабиётшунослиги олдига ҳам қатор вазифалар кўйилмоқда. Хусусан, адабий алоқалар кўлами янада кенгайиб бораётган бир даврда ўзбек адабиётини жаҳоннинг тарихий ва замонавий маконида идентификация қилиш, муштарак жиҳатларини аниқлаш адабиётшунослигимизнинг муҳим масалаларидан бирига айланди. «Юксак идеаллар йўлида фидойилик билан яшаш, ўзликчимизни англаш, ғурур ва ифтихор, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун бел боғлаб майдонга чиқиш» бугунги кунда ўзбек адиблари, зиёлилари олдига кўйилган устувор вазифалардир¹. Шунга кўра, бадиий ижодда қўлланилган ва қўлланилаётган рамзий образларни ўрганиш ҳамда уларнинг кўп маъноли қатламини очиб бериш нафақат тор доирадаги мутахассисларда, балки кенг оммада ҳам қизиқиш уйғотиб келади. Бу борада **кўзгу** ва **сурат** рамзларининг гносеологияси ҳамда санъатидаги ғоявий-эстетик аҳамиятини ўрганиш долзарб илмий муаммо ҳисобланади. Чунки халқ оғзаки ижоди ва адабиёт тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унда *ойна* мотивидан, сўз санъатининг кейинги босқичларида эса *сурат* ёки *портрет* деталларидан анча кенг фойдаланилгани маълум бўлади. Мазкур рамз ва мотивларни бадиий асарлар поэтикасида тутган ўрни масаласини илмий асосда ўрганиш орқали жиддий хулосаларга эга бўлиш мумкин. Лекин муаммони кенг миқёсда – адабиёт тарихидаги кўплаб ижод намуналари асосида тадқиқ

¹Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. / Халқ сўзи, 2017 йил 4 август. – № 153.

этишга уриниш, асосан, шарҳ асносидаги умумий хулосалар чиқаришга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, *кўзгу* ва *сурат* рамзлари поэтикасини бир неча асарлар доирасида қиёслаб ўрганиш ҳар томонлама асосли, чуқур илмий-назарий хулосалар чиқаришга имкон яратади. Тадқиқот учун танлаб олинган турли тарихий даврларда яратилган Ғарб ва ўзбек адабиёти намуналарининг қиёсий таҳлили орқали *кўзгу* ва *суратдан* деталь, рамз сифатида фойдаланишдаги ўзига хослик ва умумийлик хусусида етарли илмий тасаввурга эга бўлиш мумкин. Инглиз адиби О.Уайльднинг «Дориан Грейнинг портрети», О.Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам» асарларида ойна, сурат тасвири нафақат деталь, балки чуқур фалсафий тағмаънога эга бўлган рамзий-мажозий образ сифатида тасвирланганлиги боис уларни қиёсий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги Фармонлари ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Рамз* ва *рамзийлик* ҳодисаси, унинг табиати, ғоявий-эстетик вазифаси масалалари адабиётшунослик, фалсафа, эстетика фанларида анча мукамал ўрганилган. *Рамз* ва *рамзийлик* умумэстетик муаммо сифатида Афлотун, Аристотель, Г.Гегель, К.Юнг, Ф.Буслаев, А.Потебня, А.Лосев, А.Белий ва бошқа мутафаккирлар томонидан кенг тадқиқ этилган². Рус адабиётшунослигида рамзийликнинг психологик ва фалсафий асослари, баъзи мотив ва рамзлар поэтикаси,

²Қаранг: Платон. Люди и тени. www.gumer.ru; Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Т.: Янги аср авлоди, 2012. – 400 б.; Гегель. Эстетика в 4-х томах. – М.: Искусство, 1968, 1969, 1971, 1974; Юнг К.Г. Человек и его символы. https://royallib.com/book.yung_karl/; Буслаев Ф.И. Византийские и древнерусская символика по рукописям от XV до XVI конца в.www://stsl.ru; Потебня А.А. О некоторых символах славянской народной поэзии, 1974. www.gumer.ru

хусусан, кўзгу билан боғлиқ тасаввур ва қарашларга бағишланган бир қатор илмий ишлар мавжуд³.

Ўзбек адабиётшунослигида эса И.Султон, А.Шаропов, Н.Комилов, С.Мадиева, Я.Қосим, М.Йўлдошева сингари олимлар томонидан рамзнинг умумназарий муаммолари билан бирга, маълум бир рамзий образларнинг таҳлили ва тадқиқи ўрганиш объекти бўлган⁴.

О.Уайльд ва О.Мухтор ижоди юзасидан адабиётшуносликда муайян изланишлар олиб борилган⁵. Лекин кўзгу ва сурат символикаси, ушбу рамзий образларнинг фольклордаги поэтик вазифалари, бадий адабиётга олиб кирилиши, уларга юклатилган ғоявий-эстетик вазифа масалалари ўзбек адабиётшунослигида, баъзи мақолаларни ҳисобга олмаганда, монографик тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган⁶. Миллий адабиётлар ўртасидаги ўзаро таъсир кўлами, турли маданиятларнинг глобаллашуви авж олган ҳозирги даврда қиёсий пландаги тадқиқотлар долзарблик касб этмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Адабиётшунослик муаммолари» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўзгу ва сурат рамзларининг бадий адабиётдаги ғоявий-эстетик функциясини О.Мухтор ва О.Уайльд асарлари асосида қиёсий планда ёритиб беришдан иборат.

³Қаранг: Белый А. Символизм как миропонимание. – М.: Республика, 1994, –528 с.; Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. – М.: Искусство, 1976. – 367 с.; Кун Н.А. Қадимги юнонистон афсона ва ривоятлари. – Тошкент: O'zbekiston, 2013. – 496 б.; Литвинский Б.А. Курганы и курумы западной Ферганы. – М.: Наука, 1972. – 259 с.; Афанасьев А.Н. Живая вода и вешее слово. – М.: Советская Россия, 1988. – 508 с.; Руднев В. Энциклопедический словарь культуры XX века. – М.: Аграф, 2001. www.gumer.ru; Синкевич Влад. Философское эссе. Феномен зеркала в истории культуры. www.philosophy.ru; Дегтярёва О. Зеркало как общекультурный феномен. Дисс. канд. культуро. наук. – Санкт-Петербург, 2002. – 138 с.

⁴Қаранг: Шаропов А.Оламлар ичра оламлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1978. – 224 б.; Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr – O'zbekiston, 2009. – 448 б.; Шарипов Ш. «Лисон ут-тайр» достони генезиси ва ғоявий-бадий хусусиятлари. – Т.: Фан, 1982. – 96 б.; Маъдиева С. Ҳозирги драмаларда анъанавий символларнинг тур ўзгариши // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986 № 6. – Б.57-60; Яшар Қосим. Янги ўзбек лирикасида рамзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1998. – № 5. – Б. 3-8; Йўлдошева М. Ҳозирги модерн шеърларда тимсол // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. – № 1. – Б. 47-50; Қосимов А. Адабиётда болалик маънавий-ахлоқий категория сифатида (А. де Сент-Экзюперининг «Кичкина Шахзода» ва Ч.Айтматовнинг «Оқ кема» асарлари асосида): Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, ТАИ, 1999. – 127 б.; Муллаҳўжаева К.Т. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги. – Т.: НДА,2005. – 26 б.

⁵Қаранг: ЭллманР. Оскар Уайльд. Биография – М.: Независимая газета, 2000. – 668 с.; Лангланд Ж. Оскар Уайльд или правда масок. – М.: Молодая гвардия; Полимпсест, 1999. – 325 с.; Акимова О. Этика и эстетика Оскара Уайльда. СПб.: Алетейя, 2008. – 192 с.; Rose Alex. Deceptive Picture: How Oscar Wilde painted over «Dorian Gray». / The New Yorker. – New York, 2011. 8 August. <https://www.newyorker.com>; Chosal Sukriti. Theorist underrated: Oscar Wilde the critic. Sarup book, 2015. – 196 p.; Солижонов Ё. XX асрнинг 80-90 йиллари ўзбек насрида бадий нутқ поэтикаси: Филол.фан.д-ри. ...дисс. – Т.: 2002. – 302 б.; Шарафиддинова М.О. Особенности поэтики узбекского романа XX века в контексте мировой художественной традиции. Дис. док.фил.наук. –Т.: 2010. – 284 с.; Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. – Т.: Mumtoz so'z, 2014. – 387 б.

⁶Қаранг: Вулис А.З. Литературные зеркала. https://royallib.com>literaturnie_zerkala; Саримсоқов Б. Ойнада зуҳр этган бахт. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1984 № 4. – Б.30-36; Расулова З. Ўзбек халқ эртақларида «сеҳрли ойна» образи // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – Бухоро, 2007. – № 3. – Б. 46-49; Жўраев М., Расулова З. Ўзбекларнинг «ойна» билан боғлиқ ишончлари ва унинг фольклордаги талқини // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2011. - № 8. –Б. 11-19.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ойна деталининг генезиси ва ўрганилишини таҳлил қилиш;
халқнинг *ойна* ҳақидаги тасаввурлари асосида эпик мотивларнинг пайдо бўлишини очиб бериш;

XIX–XX аср Шарқ ва Ғарб насридаги кўзгу ва сурат (портрет) рамзларининг поэтик хусусиятларини тадқиқ этиш;

рамзлардан фойдаланишдаги умумий ва ўзига хос жиҳатларни белгилаш;

О.Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам», О.Уайльднинг «Дориан Грейнинг портрети» асаридаги кўзгу ва *портрет* рамзларининг қаҳрамонлар рухий дунёсини очишдаги ролини аниқлаш;

таҳлилга тортилган ўзбек ва Ғарб адабиёти намуналарини қиёсий ўрганиш натижасида улардаги муштарак тенденциялар ва ўзига хос жиҳатларни белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида О.Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам», О.Уайльднинг «Дориан Грейнинг портрети» романлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини асарлардаги *ойна*, *портрет* рамзий образлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўзгу билан боғлиқ мистик қарашлар асосида шаклланган барқарор эпик мотивларнинг адабиётга кириб келиш тадрижи асослаб берилган;

сурат ёки *портрет* детали бадиий насрга *ойна* сингари инсон ташқи кўринишини акс эттириш эмас, балки суратдаги шахснинг ички дунёси, ўтмиши ёки келажагини очиб бериш воситаси сифатида олиб кирилганлиги далилланган;

О.Уайльд «Дориан Грейнинг портрети» романини яратишда романтизм ва реализм анъаналарига, халқнинг *ойна* билан боғлиқ шаклланган қарашларига таянган бўлса, О.Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам» романи халқ афсона ва эртаклари мотивлари, Шарқ фалсафаси ва адабиёти билан бирга Ғарб модерн адабиётига хос тасвир синтези сифатида пайдо бўлганлиги асосланган;

«Кўзгу олдидаги одам», «Дориан Грейнинг портрети» асарларидаги *кўзгу*, *портрет* тимсоллари қаҳрамонлар ички олами, маънавий-ахлоқий қиёфасини очиб беришда асосий бадиий восита сифатида қўлланилганлиги далилланган;

ўзбек ва Ғарб адабиётида, хусусан, О.Мухтор ва О.Уайльд ижодида *кўзгу*, *портрет* рамзларидан фойдаланишдаги муштарак ва ўзига хос жиҳатлар асарлар яратилган давр, муҳит ва миллий менталитетдаги тафовутга боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

рамзий образлар табиати, унинг асар поэтикасида тутган ўрнини аниқлаш ҳақидаги илмий хулосалар адабиётшунослик назарияси, адабий танқид тарихи, бадиий таҳлил асослари, адабиётшунослик методологияси каби фанлардан яратиладиган дарслик, қўлланма ва луғатларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

кўзгу ва *сурат* рамзларининг поэтик хусусиятини аниқлашдаги анъана, давр, муҳит ва миллий ўзига хослик омиллари аниқланган;

тадқиқот натижалари асосида яратилган илмий мақолалар адабиёт таълимида талаба ва ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дунёқарашини ошириши, ўзбек ва хориж адабиётини талабаларга ўргатишдаги амалий аҳамияти аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметиға мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётға татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация хулосалари ўзбек насрининг ҳозирги давринигина эмас, балки хориж адабиётида *кўзгу* рамзини қўллашда юз берган бадиий-эстетик қарашлар тадрижи ҳақидаги билимларни тўлдиради ва кенгайтиради. Турли даврларда *кўзгу* ва *портрет* тимсолларига юклатилган бадиий-эстетик вазифалар ҳақидаги қарашлар адабиётшунослик назарияси, адабий танқид тарихи, ҳозирги адабий жараён фанларининг ривожланишиға хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, *кўзгу* ва *сурат* рамзларининг пайдо бўлиш омиллари, манбалари, табиати ҳақидаги қарашлар янги ўзбек адабиёти, адабиётшунослик назарияси, ўзбек адабий танқидчилиги тарихи, жаҳон адабиёти тарихи, назарий поэтика каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. О.Мухтор ва О.Уайльд асарлари асосида ўзбек ҳамда инглиз насридаги *кўзгу* ва *портрет* рамзларининг генезиси, ғоявий-эстетик вазифаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тадқиқотнинг ўзбек ва жаҳон адабиётидаги *кўзгу* ҳамда *сурат* рамзлари поэтикаси, ёзувчиларнинг индивидуал бадиий маҳорати, адабий таъсирнинг ўрниға доир илмий натижаларидан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институтида ФА–Ф1–Г 040 рақамли «Ўзбек

адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажариш доирасида кенг фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 8 февралдаги ФТК-0313/133-сон маълумотномаси). О.Мухтор ва О.Уайльд романларининг қиёсий тадқиқи асосидаги илмий хулосалар ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётидаги ўрни ва поэтика муаммоларини таҳлил этишга асос бўлган;

кўзгу деталининг халқ урф-одатларидаги ўрни, кўзгу рамзининг фольклорга кириб келиши ва бадиий асарлардаги ғоявий-эстетик вазифасига доир назарий умумлашмалардан Фарғона вилояти Ўлкашунослик музейида кўзгу, *сурат*, *портрет* сингари экспонатларнинг бадиий адабиётдаги ўрни ва аҳамиятини тушунтиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 10 январдаги 01-11-08-133-сон маълумотномаси). Илмий хулосалар кўзгу ва *сурат* билан боғлиқ халқ бадиий тафаккурининг ўзига хослигини ташриф буюрувчиларга етказишда муҳим манба бўлган;

бадиий насрда кўзгу деталидан қаҳрамон қалби рамзи сифатида фойдаланиш анъанаси, кўзгу рамзи орқали инсон ички ва ташқи гўзаллиги ўртасидаги мувозанатни ифодалашга доир илмий-назарий қарашлардан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг мунтазам эфирга узатиладиган «Интервью» кўрсатуви ва «Адабий муҳит» туркум радиоэшиттиришини тайёрлашда фойдаланилди (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 6 январдаги 12-01/1-сон маълумотномаси). Илмий иш натижалари кўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг илмий далилларга бой бўлишини таъминлаган ҳамда Омон Мухтор ижоди кенг тарғиб қилинишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, Республика миқёсида 11 та ҳамда 6 та халқаро илмий конференцияда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан, 7 та республика ҳамда 2 таси хориж журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 133 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг «**Адабиётда рамзий-мажозий тасвир ва унинг ўрганилиши**» деб номланган биринчи бобида рамзий-мажозий образлар, хусусан, кўзгу рамзининг назарий асослари, ўрганилиши, тарихий илдизи, манбалари ва омиллари тадқиқ қилинган.

«Рамз воқеликни бадиий акс эттириш усули сифатида» деб номланган биринчи фаслда рамзнинг табиати, унинг мажоздан фарқи, бадиий асар поэтикасида тутган ўрни бир қатор асарлар мисолида ёритилган. Рамзларнинг инсоният ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётидаги ўрни буюк Хитой файласуфи Конфуцийнинг «Оламни сўз ва конун эмас, балки белгилар ва рамзлар бошқаради» деган фикрига таянилган ҳолда таҳлил этилади. *Рамз* бадиий адабиётда инсоннинг мураккаб ички дунёсини, олам билан алоқасини тасвирлаш учун муҳимдир. Муайян бадиий-эстетик мақсадда сўзни кўчма маънода қўллаш санъати ҳисобланган кўчимнинг *мажоз*, *рамз* сингари кўринишлари бадиий матнда тасвирийлик ва ифодавийликни кучайтириш воситаси сифатида кенг қўлланилади. *Рамз* ва *мажоз* тушунчалари ифода жиҳатидан яқин бўлса-да, улар ўртасидаги асосий тафовут рамзнинг матнда ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланиши, мажоз эса тасвирланаётган нарсани эмас, балки муаллиф кўзда тутган маънони англатиши билан белгиланади.

Маълумки, рамзлар илмий, фалсафий, бадиий ва мифологик турларга бўлинади. Бадиий ва мифологик рамзлар ҳақида гап борганда, сўз санъати бўлган адабиётнинг ўзи рамз ва ишоралардан иборат эканлигини яна бир бор таъкидлаш лозим.

Бадиий ижодда қўлланиладиган рамз (символ)лар ўзининг характери ва бажарадиган вазифаси жиҳатидан турличадир. Поэтик символлар ҳақида фикр юритиб, А.Шаропов символ-образ ва символ-белги ўртасидаги муносабатни алоҳида таҳлилга олади⁷.

Рамз ва мажоздан фойдаланиш борасида Дантенинг «Илоҳий» комедияси битмас-туганмас хазина ҳисобланади. Хусусан, асарнинг бошланишида тасвирланган қоронғи ўрмон («Дўзах»¹, 2-60 б) Данте учун инсон ҳаётининг рамзи ҳисобланади. Кўрқинчли ўрмонда Данте ёлғон, хоинлик ва шаҳватпарастлик рамзи қоплон; мағрурлик ва зўравонлик рамзи бўлган шер; маккорлик ва манманлик рамзи бўри билан учрашади.

⁷Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1978. – Б. 22-41.

А.Камюнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейин (1947) яратган «Вабо» романида ўлат тасвири орқали фашизмнинг мажозий образи акс эттирилган, деган фикр адабиётшуносликда муҳрланиб қолган. Адабиётшунос Д.Қуронов бадиий асар муайян давр маҳсули бўлгани ҳолда, уларни фақат давр билан боғлабгина тушуниш хато эканлиги ҳақида ёзади. Зеро, «... чинакам санъаткор ижод онларида воқеликдан узилади, бу илоҳий дамларда унинг учун вақт чегаралари мавжуд эмас – у ўтмиш, ҳозир ва келажакни бирлаштирган катта ВАҚТ ҳукмида яшайди»⁸. Шунга кўра, Камю «Вабо»да нафақат фашизмнинг мажозий образини, балки ҳеч қачон тўлиқ чекинмайдиган, вақти-вақти билан бўй кўрсатиб инсонларни эсанкиратиб кўядиган сирли кучни тасвирлаганлигига амин бўламиз. Бундай офат лоқайдлик, бефарқлик авж олган ҳар қандай жамиятда рўй бериши мумкин, деган хулоса келиб чиқади.

Ўзбек адабиётида рамзий тимсоллардан фойдаланишда Асқад Мухторнинг «Чинор», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор», Асад Дилмуроднинг «Фано даштидаги қуш» асарлари муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, Омон Мухторнинг мустақиллик йилларида яратилган бир қатор романлари ҳам чуқур тағмаёнага эга бўлган рамзий деталь ва образларга бой.

Замонавий ўзбек адабиётининг ўзига хос тасвир услубига эга бўлган адибларидан бири Н.Эшонқул «Тобут» ҳикоясида тобут шаклида қурилган макон тимсолида шўролар тузуми, шаҳар бўйлаб кезиб юривчи бадбўй ҳид орқали эса шўролар мафқураси тимсолини яратган. Шу маънода Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Жажман» ҳикояси ҳам характерлидир.

Рамзни ҳозирда инсон ва жамиятнинг абадий муаммоларини қамраб олиб, шартли равишда кўчма маъноларга таянувчи бадиий матн кўриниши, деб ҳисоблаш мумкин. Ёзувчининг ассоциатив фикрлаш маҳсули бўлган рамзий образлар асарнинг ғоявий-эстетик таъсирини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бобнинг иккинчи фаслида кўзгу рамзий образининг генезиси, унинг фольклорга ва адабиётга кириб келиши масаласи таҳлилга тортилган.

Қадимдан кўзгу инсонлар ҳаётида ўзига хос ўрин тутганлиги, унинг акс эттириш вазифаси аждодларимизни ҳайратга солганлиги туфайли турли давр, динлар ва халқларда у турли ғоявий-эстетик вазифани адо этувчи сирли ашё сифатида қадрланган.

Ўзбек миллий удумларига биноан янги туғилган чақалоқнинг бешигида, ёстиғи остида пичоқ, ойна ва қалампир каби нарсаларнинг қўйилиши бевосита ойнанинг инсонни ёмон руҳлар зиён-заҳматидан ҳимоя қилиш сингари сеҳрли қудрати ҳақидаги тасаввурлар билан алоқадордир⁹. Қадимги аждодларимиз тасаввурича, кўзгудаги инсон акси бу унинг шаклидан тушган нурларнинг синиши ва қайтиши бўлмай, балки унинг кўзгуда ифодаланган руҳидан иборатдир.

⁸Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 283.

⁹Саримсоқов Б. Ойнада зухр этган бахт. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1984. – № 4. – Б.32.

Японлар кўзгуга биринчи бор нигоҳ ташлаган одамнинг руҳи унга кўчиб ўтишига қаттиқ ишонадилар¹⁰. Кўзгу билан боғлиқ тасаввур ва фалсафий мазмун Ясунари Кавабатанинг «Кўзгудаги ой акси» ҳикоясида маҳорат билан бадиий асарга сингдирилган.

Бундан ташқари, кўзгуга бахт ва садоқат, ёруғлик, шодлик бахш этувчи сеҳрли қудратга эга бўлган буюм сифатида ҳам қаралади. Д.С.Раевский скифларга яқин қариндошлиги бўлган ҳинд, тожик, форс ва бошқа халқлар никоҳ тўйларида келин ва куёв бир кўзгуга қараши керак бўлганлиги ҳақида маълумот беради¹¹. Бу удум ёшларга бахтли ҳаёт кечириш, қўша қариш, оилада яхши фарзандлар топиш истаги билан боғлиқ бўлиб, бир-бирига исишини англатади¹².

Ойна Шарқ ва Европа маданиятида умумий рамзий мазмунга эга бўлиб, космогоник предмет сифатида инсон ҳаёти ва нариги дунёни боғловчи восита сифатида кўрилган.

Ўрта асрларда Европада кўзгулар, бир томондан, ҳашамат буюми, ўзига бино қўйиш белгиси, шунингдек, ақлдан озганлик тимсоли бўлиши билан бирга, мушоҳада қилиш, ўзликни англаш ва ҳақиқат рамзи сифатида ҳам қаралган. Кўзгу шу маънода кўзга қийосланган. Бу даврда дидактик асарларнинг алоҳида тури бўлган «Кўзгуномалар» яратилиб (масалан, Бовелик Винсентнинг «Буюк кўзгунома»си, японларнинг «Окагама», ҳиндларнинг «Калила ва Димна», немис, француз, италян адабиётидаги «Князлик кўзгуномалари»), табиат илоҳий ният кўзгуси сифатида талқин қилинган.

Халқ эътиқодий тасаввурида кўзгу инсонга келажак ҳақида хабар бериб, уни бўлажак ишлардан огоҳ қилиш вазифасини бажарган. Халқимизнинг ойна билан боғлиқ эътиқодий қарашлари халқ оғзаки ижодида ҳам ўз ифодасини топган.

Сув ва ойнанинг ўзаро боғлиқлигига асосланган тасаввурлар дастлаб фольклорда ойна ҳақидаги эпик мотивларни пайдо бўлишига олиб келган.

Хусусан, «Жамила» эртагида ялмоғиз йигитнинг ортидан қувиб етай деганда, қаҳрамон ойнани ортга ташлайди. Шунда ойна катта дарёга айланиб, йигит ва ялмоғиз ўртасидаги масофани анча узоклаштиради. Қаҳрамон ёвуз куч таъқибидан осонликча қутилади.

Шу асосда ойнанинг эртак бадиий қурилишидаги тўрт турдаги поэтик вазифасини (ахборот бериш, огоҳ этиш, узокдаги буюмни яқинга кўчириш, ёлғонни фош этиш) кўрсатиш мумкин¹³.

Ўзбек ва Шарқ классик адабиётида кенг тарқалган ойнага қараб келгусида рўй берадиган воқеалардан дарак топиш мотиви фольклорда турли-туман ижодий актларда қайта-қайта ишлов топиб, мустақил барқарор

¹⁰Синкевич В. Феномен зеркала в истории культуры. www. philosophi.ru

¹¹ Раевский Д.С. Искусство и мифы скифов, //Курьер, 1977. – № 1. – С. 15-17.

¹²Жўраев М., Худойкулова Л. Маросимнома. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – Б. 81.

¹³Расулова З. Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида «ғаройиб буюмлар»: Филол.фан.ном. ... дисс. автореф. – Тошкент. 2012. – Б. 11.

эпик мотив шаклига келган ва ёзма адабиётга кириб мустаҳкамланган. Шу боис, мумтоз адабиётдаги ойнаи Искандарга қараб Фарҳоднинг Ширин ҳақида хабар топиш мотиви кўзгу ҳақидаги халқ тасаввурларининг ижодкор томонидан эстетик вазифа бажаришга хизмат қилдирилишидан иборат.

Алишер Навоий ҳам ўз дostonларида, бир томондан, ўзигача мавжуд бўлган адабий анъаналарга, иккинчи томондан, бевосита ойна ҳақидаги халқнинг эътиқодий тасаввурларига таянади. Хусусан, «Фарҳод ва Ширин» дostonида кўзгу орқали хабар топиш мотивини бадиий маҳорат билан қўллаб, Фарҳоднинг Ширинга етишиши билан боғлиқ саргузаштларни, асосан, ушбу рамздан фойдаланган ҳолда баён қилади.

Асарда тасвирланган кўзгу – Жамшиднинг жами Искандар қурган қалъа ўртасидаги уйдан топилади. Бу жом Искандарнинг дунёда содир бўлаётган воқеаларни ўзида акс эттирувчи тилсимли ойнасидир.

Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий», «Сабъаи сайёр» дostonларида ҳам кўзгу ростлик, тўғрилиқ рамзи сифатида намоён бўлган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Насрда кўзгу ва сурат рамзларининг поэтик хусусиятлари**» деб номланган. Бобнинг «XIX-XX аср Шарқ ва Ғарб насрида кўзгу ҳамда портрет» деб аталувчи биринчи фаслида бадиий адабиётда кўзгудан рамзий деталь ёки образ сифатида фойдаланиш масалалари ёритилган. XIX аср Ғарб адабиётида ойна мотивидан фойдаланишда ёзувчилар мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттириш билан бирга, мазкур деталга янгича мазмун ҳамда вазифа юклаганлар. Бу борада XIX асрда бадиий эртак жанрида яратилган асарлар алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, Эрнст Теодор Вильгельм Гофманнинг «Циннобер лақабли митти Цахес» номли қиссасида сеҳрли буюм – кўзгудан ёлғонни фош қилувчи деталь сифатида фойдаланилган.

Г.Х.Андерсеннинг «Қор маликаси» эртаги ғояси тасаввуф таълимотининг Яратган Эгам ўз жамоли ва камолини томоша қилиш учун кўзгу яратганлиги ҳақидаги ақидага ҳамоҳанг бўлиб, асарда ана шундай кўзгу иблис томонидан яратилади. Тасаввуф таълимотида кўзгу бизни ўраб турган моддий олам бўлиб, бу кўзгунинг жавҳари инсон қалби ҳисобланади. Кўз эса қалб рамзидир. «Қор маликаси»да кўзгунинг бир бўлакчаси Кайнинг кўзи орқали жисмига кириб, қалбини музлатади ва уни ёвузликка бошлайди.

Сеҳрли эртаклардаги ёвуз кучларнинг ойна воситасида душманларидан хабардор бўлиши мотиви асосида яратилган А.С.Пушкиннинг «Уйкудаги малика ва етти баҳодир» эртагида кўзгу гўзаллик ва ахлоқ уйғунлиги рамзи сифатида намоён бўлади.

Л.Керролнинг «Алиса кўзгу орти мамлакатада» қиссасида кўзгу синоатларини ифодалаш учун соф математик тафаккур ҳамда бадиий-фалсафий воситалар уйғунлашиб кетган. Бунда кўзгу мамлакати ўзликни англаш, олий ҳақиқатни англаш воситаси сифатида намоён бўлади.

Ойна мавзуси замонавий Ғарб адабиётининг фэнтези жанрида ҳам кенг қўлланилмоқда. Инглиз адиби Жон Толкиннинг скандинав асотирлари

асосида яратилган «Узуклар ҳукмдори» романидаги Лориэн ҳоконининг сеҳрли кўзгуси сув тўлдирилган жомдан иборат бўлади. Бу ўринда фольклордаги сувга кўзгу вазифасини юклаш мотивига дуч келамиз.

Ойна, кўзгу мотивидан бадиий адабиётда фойдаланиш XX асрда ҳам давом эттирилди. Бу даврда мазкур деталь рамзий тағмаёнага эга бўлган образ ёки фантастик асарларда мистик белги сифатида қўлланилган.

Нобель мукофоти лауреати Нажиб Махфуз (1911-2006) қаламига мансуб «Кўзгулар» романида Миср жамияти, унинг келажаги ва тақдири билан боғлиқ муаммолар ҳақида фикр юритилади. Асардаги ҳар бир бобда муайян инсон тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Г.Тошмухамедова таъбири билан айтганда: «... уларнинг тақдири акс этган энг асосий кўзгу, бу – авторнинг, ватанпарвар ва оддий гражданнынг олийжаноб, сахий ва жасур қалбидир»¹⁴. Романдаги эллик бешта боб – эллик бешта кўзгудир. Бу кўзгулар Миср воқелигини акс эттириб, биргаликда яхлит катта кўзгу – романи, яъни замон, давр тасвирини ташкил этади.

Ўзбек ёзувчиси Нодир Норматов қаламига мансуб «Кўзгудаги икковлон» романида Сурхондарёнинг Пана қишлоғида яшовчи ёш оила қисмати, Умар ва Малика ҳаётидаги мураккаб зиддиятлар ўрта асрларда содир бўлган, бобурийлардан қолган тилла кўзгу тарихи эпик тасвирлар орқали баён қилинади. Малика асарнинг охирида келинлик сарпосидаги ойнани қайта-қайта сўраши келинликдаги беғубор бахтини, Умарга бўлган муҳаббатини қайтариш истагини англатади. Бу ўринда Нодир Норматовнинг «Кўзгудаги икковлон» романи ва Ясунари Кавабатанинг «Кўзгудаги ой акси» ҳикоясида қўлланилган кўзгу детали муштарак ғоявий-эстетик вазифани бажаришга йўналтирилган бўлиб, у ҳар икки асарда аёллик бахти рамзи сифатида талқин этилади.

Мавзу, услуб, йўналиш нуқтаи назаридан ранг-баранг, мураккаб ҳамда зиддиятли бўлган XX аср адабиётида кўзгу ва сурат деталь, мотив ёки рамз сифатида кенг қўлланилди. Бу борада насрнинг кичик жанри бўлган ҳикоячиликда эътиборга молик асарлар яратилди. Машҳур япон адиби Кавабата Ясунарининг (1899-1972) «Кўзгудаги ой акси» ҳикоясидаги кўзгунинг рамзий образ сифатидаги мазмун-моҳиятига мурожаат қилишга тўғри келади. Кўзгу сув-ой-аёл мажмуи билан боғлиқ тимсол эканлиги маълум¹⁵. Сувга ўхшаб кўзгу ҳам акс эттирувчи юза ҳисобланади, яъни унда номаълум нарсанинг тимсолларини кўриш мумкин. Кўзгу ўз қиёфасига эга бўлмай, бошқа нарсаларнинг қиёфаларинигина акс эттириши боис, у ўз ёғдусига эга бўлмаган балки қуёш ёғдусини акс эттирадиган ойга қиёсланади. Ойнанинг табиати ўзгарувчан бўлиб, у гоҳ гавжум, гоҳ кимсасиз бўлиши мумкин. Бу эса бизни ой ва аёл рамзларига етаклайди.

Бадиий насрда инсон фотосурати ёки портретдан ҳам кўзгу сингари қаҳрамонлар ўтмиши, келажаги ҳақида маълумот берувчи, уларнинг рухий

¹⁴Тошмухамедова Г. Сўз боши: Китобдан. Нажиб Махфуз. Кўзгулар. – Т.:Прогресс,1982. – Б.6.

¹⁵Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – Б.145

оламини очишга кўмаклашувчи муҳим бадиий деталь сифатида кенг фойдаланилган. Хусусан, Н.Гоголнинг «Портрет» повестида Европа адабиётидаги инсон қалбини мангу ҳаёт эвазига алмаштириш мотиви судхўр, жирканч қария руҳини портретга зуҳр этиш орқали ифодаланган. О.Уайльд ҳам бу борада шаклланган усул ва анъаналарни ижодий давом эттирган.

XX аср иккинчи ярми ўзбек ҳикоячилигида Шодиқул Ҳамронинг «Суратдаги аёл» ҳикоясида фотопортрет муҳим бадиий деталь сифатида намоён бўлса, ижодида рамзийлик устувор бўлган Назар Эшонкулнинг «Маймун етаклаган одам», «Санъат», «Хароба шаҳар сурати» ҳикояларида ёзувчи одамлар руҳиятига сирли таъсир қилувчи суратлар ҳақида ҳикоя қилинади¹⁶.

«О.Мухтор ва О.Уайльд бадиий эстетик оламининг ўзига хосликлари» таҳлилига бағишланган иккинчи бобнинг иккинчи фаслида турли тарихий давр, географик макон, ижтимоий-сиёсий тузум ҳамда ўзига хос адабий-эстетик муҳитда яшаган ёзувчилар ижоди ўрганилган. Уларнинг бири асосан XIX асрнинг сўнги чорагида ижод қилган ва эстетизм йўналишининг асосчиларидан бўлган таниқли инглиз адиби Оскар Уайльд бўлса, иккинчиси ижодининг асосий қисми XX асрнинг сўнги чораги ва XXI асрнинг бошларига тўғри келган, замонавий ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга бўлган ёзувчи Омон Мухтордир. Мазкур адибларнинг бир тадқиқот доирасида ўрганиш учун танлаб олинганлигининг асосий сабаби улар томонидан яратилган «Дориан Грейнинг портрети» ҳамда «Кўзгу олдидаги одам» романлари ҳисобланади. Биринчидан, Оскар Уайльд романида портрет (Дориан Грейнинг ёшлиқда чизилган сурати), Омон Мухтор романида кўзгу (Сирож муаллимнинг кўзгудаги акси) асарларида асосий рамзий образ сифатида гавдаланади. Ҳар икки асар ҳам ижодкорлар маънавий-руҳий дунёсидаги ўзгаришлар, ҳаёт ва инсонни ўрганиш борасидаги янгича билим ва тасаввурлар ҳосиласидир.

Оскар Уайльд ижодий-эстетик оламининг шаклланишида санъат назариётчилари Жон Рёскин, Уолтер Пейтернинг қарашлари муҳим роль ўйнаган. «Дориан Грейнинг портрети» романи муаллиф томонидан ишлаб чиқилган эстетизм назариясининг бадиий инъикоси сифатида пайдо бўлган.

Омон Мухторнинг 90-йилларда яратилган «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Аёллар мамлакати ва салтанати», «Ффу», «Афлотун» сингари романлари шакл ва мазмун жиҳатдан ана шу давр адабий жараёнида янгилик бўлиб, уларда халқ афсона ва эртақларининг мотивлари, шарқ фалсафаси ва адабиёти, хусусан, Алишер Навоий ижодий мероси билан бирга, Ғарб модерн адабиётига хос руҳий олам манзаралари тасвири уйғунлашиб кетган.

¹⁶Ҳамдам У. Руҳни уйғотувчи сўз. Илмий ва публицистик мақолалар, такризлар, суҳбатлар. – Т.: Турон zamin ziyo. 2017. – Б.7.

Омон Мухтор қаҳрамонларининг ўзига хослиги уларнинг анъанавий ижобий ёки салбий образларга ажратилмаслигида намоён бўлади. Ёзувчи бир қаҳрамонда Эзгулик ва Ёвузлик ҳислатларини уйғун ҳолда тасвирлайди.

«Бадиий ижодда кўзгу ва сурат образларининг ўрни» деб номланган учинчи бобда Омон Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам» романидаги кўзгу ва Оскар Уайльднинг «Дориан Грейнинг портрети»даги портрет рамзларининг ғоявий-эстетик муштараклиги ва ўзига хосликлари ўрганилган.

Бобнинг «Кўзгу олдидаги одам асарида кўзгу деталининг ғоявий-эстетик вазибалари» номли биринчи фаслида романда қўлланилган кўзгу тимсолининг бадиий-ғоявий асосларини тўлақонли очиб бериш учун «Дориан Грейнинг портрети» романи ҳам қиёсий таҳлилга тортилган. Турли тарихий давр, ижтимоий-сиёсий муҳитда яратилган ушбу асарлардаги умумий ва ўзига хос жиҳатларни белгилашга эътибор қаратилган.

О.Мухтор асар сарлавҳасига олиб чиққан кўзгу рамзи бош қаҳрамонлар ички дунёси, руҳий оламидаги яширин жиҳатларни, улар қалбининг Раҳмоний ва Шайтоний тарафларини очиб беришда моҳирлик билан қўлланилган. Рамзлар романдаги Раҳмон ва Шайтон – Эзгулик ва Ёвузликнинг абадий курашига бағишланган етакчи ғояни анъанавий оғзаки ва ёзма мерос намуналаридан келиб чиқиб, чуқурроқ тушунишга, таҳлил этишга ёрдам беради.

«Кўзгу олдидаги одам» асарида аниқ кўзгу бор. У ҳам бўлса Валижоннинг ўзидир. Бошқа барча қаҳрамонлар ана шу кўзгуда аксини кўради. Кўринадик, Вали – ҳақиқат тимсоли, ҳақиқат синса, инсоннинг ўзи нобуд бўлади.

Кўзгу рамзини «Авесто»да, сўнг Алишер Навоий асарларида фалсафий-тасаввуфий рамз сифатида қўллаш анъанаси О.Мухтор асарида ҳам ўзига хос тарзда давом эттирилган. Адиб ўз ижодида миллий ривоятларга, халқ эртаклари ва асосан, Навоий ижодига таянганлигини кузатиш мумкин.

Омон Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам» романидаги кўзгу детали ва О.Уайльднинг «Дориан Грейнинг портрети» романидаги портрет деталлари қаҳрамонларга тош ойна сингари уларнинг қалб ўзгаришларини кўрсатиб турувчи тимсол сифатида намоён бўлади. Бу асарларда инсоннинг «нафс-шайтон қутқуси, тубанликка тортадиган куч, ҳирсу ҳавас даракчиси, тама, манманлик, жаҳолат, фаҳшни келтириб чиқарадиган қувват» домига ғарқ бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Ғоя ва образлар талқини жиҳатидан жуда яқин бўлган бу икки асарда Лорд Генри ва Сирож Муаллим образлари Иблис қиёфасида келади. Аслида, ҳар икки асар сюжетида Фаустнинг абадий навқиронлик учун иблисга жонини бергани ҳақидаги ривоят асос қилиб олинган. Шу ўринда ёзувчилар шайтон ва иблис образларидан асарларнинг ғоявий-эстетик мақсадини очишда унумли фойдаланган. Адабиёт тарихига назар солсак, инсоннинг дунёвий ҳавасларига етишишига «кўмак берган» ва бу билан уни эзгу йўлдан оздирган инсон қиёфасидаги шайтон ёки иблис образлари Гётенинг «Фауст»,

